



O'ZBEKISTON

IJTIMOIIY-IQTISODIY GAZETA

BUNYODKORI

№72 (725) 2023 йил 15 август, сешанба

СТРОИТЕЛЬ УЗБЕКИСТАНА

uzbunyodkor

t.me/uzbunyodkor

info@uzbunyodkor.uz

uzbunyodkor.uz

Газета 2016 йил 2 августдан ҳафтанинг сешанба ва жума кунлари чиқади.

МЕҲНАТИДАН ҚАДР ТОПГАН БУНЁДКОРЛАР



Пойтахтимиздаги Халқаро форумлар саройида Қурилиш соҳаси ходимлари кунига бағишланган тантанали тадбир бўлиб ўтди. Тадбирда республикаимизнинг барча вилоятларидан келган қурилиш соҳаси вакиллари иштирок этишди. Унда Президент Шавкат Мирзиёевнинг соҳа ходимларига йўллаган табригини Президент матбуот котиби Шерзод Асадов ўқиб эшиттирди.

Хусусан, юртбошимиз табригида “Сизларнинг олийжаноб меҳнатингиз билан барпо этилаётган янги-янги турар жойлар, ишлаб чиқариш объектилари, йўл ва коммунал тармоқлари, таълим, соғлиқни сақлаш, маданият ва спорт масканлари мамлакатимиз қиёфасини тубдан ўзгартириб, ҳаётимизнинг янада обод ва фаровон, файзли бўлишига хизмат қилмоқда. Дарҳақиқат, халқ манфаатини ўйлаб мустаҳкам ва кўркам иморатлар қуриш, равон йўл ва кўприклар бунёд этиш дунёдаги энг савобли ва хайрли ишлардан биридир” дея алоҳида таъкидлангани ҳам фидокор қурилиш соҳаси ходимларининг шарафли меҳнатига берилган энг одил баҳо бўлди, десак арзийди.

Зеро, бугун чор-атрофда жадаллик билан давом этаётган бунёдкорлик ишлари туфайли жонажон юртимиз ўзгача чирой очиб, замон билан тенгма-тенг одимламоқда. Шаҳар ва қишлоқларимиздаги бири-биридан кўркам, айнаи дамда замонавий архитектура меъёрлари асосида қурилган ижтимоий-иқтисодий объектлар, маданий-маърифий масканларнинг ажиб қиёфаси, аҳоли уй-жойларининг орасталиги, шиналлиги ҳамда ҳар оиланинг муносиб шароитда яшаш учун барча қулайликка эгаллиги ўтган қисқа даврда қурилиш соҳаси нақадар юксалганидан далолатдир.

Соҳа ходимларининг байрам таассуротлари ҳамда юртимизда амалга оширилаётган бунёдкорликлар ҳақидаги фикрлари билан ўртоқлашдик.

ча завқ бағишлаши шубҳасиз. Шу фурсатдан фойдаланиб, мен ҳам юртимиздаги барча қурилиш соҳаси ходимларига муваффақият тилайман. Эл қорига ярашдан, уларга қулай шароит яратишдан асло, қарчашмасин. Қорақалпоқистон Республикасида ҳам бугун кенг кўламда олиб борилаётган бунёдкорлик ишларида замонавий технологиялар ва услублардан, шаҳарсозлик нормалари ҳамда меъёрларидан унумли фойдаланилмоқда. Жорий йилда жами 3000 дан ортиқ хонадонга эга 80 дан ошқ кўп қаватли уйлари босқичма-босқич фойдаланишга топшириш режалаштирилган. Ушбу уй-жойларни барпо этишда Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2023 йил 16 февралдаги “2023 йилда қайта тикланувчи энергия манбаларини ва энергия тежовчи технологияларни жорий этишни жадаллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ-57-сонли қарорига мувофиқ ишларни ташкил қилаётганимиз ҳам ўз самарасини бермоқда.

Баҳодир СУЛТОНОВ,
Ўзбекистон транспорт, йўл ва капитал қурилиш, қурилиш индустрияси ходимлари касаба уюшмиси Республика Кенгаши раиси ўринбосари:



– Қурувчилик энг машаққатли ва шу билан бирга шарафли касблардан бири ҳисобланади. Чунки, уларнинг маҳорати, малакаси, масъулияти инсонларнинг ҳаёти ва тақдирида муҳим ўрин эгаллайди. Ўзбекистон транспорт, йўл ва капитал қурилиш, қурилиш индустрияси ходимлари касаба уюшмиси узоқ йиллардан бўён Ўзбекистон Республикаси Қурилиш ва уй-жой коммунал хўжалиги вазирлиги ҳамда Қурилиш ва уй-жой коммунал хўжалиги соҳасида назорат қилиш инспекцияси ходимлари билан ҳамкорликда фаолият юритиб, соҳа ходимларининг ижтимоий-иқтисодий манфаатлари ва меҳнат соҳасидаги ҳуқуқларини ҳимоялаш, улар меҳнатини муҳофаза қилиш каби йўналишларда тизимли ишларни амалга ошириб келмоқда. Байрам муносабати билан, бу ишларни амалга оширишда бизга яқиндан кўмак бериб келаётган вазирлик ходимлари-га ўз миннатдорчилигимизни билдираимиз. Яна бир бор байрамингиз муборак бўлсин!

Баҳодир КАРИМОВ, Хоразм вилояти Қурилиш ва уй-жой коммунал хўжалиги бошқармаси бошлиғи:



– Бугунги касб байрами тантаналарида иштирок этиб, айнан қурилиш соҳасининг вакили эканимдан, халқимиз учун муносиб мажмуалар қуришдек савобли ишда фаолият юритаётганимдан янада фخرландим. Юртимизда амалга оширилаётган қурилиш-бунёдкорлик ишларига хоразмлик қурувчилар ҳам ўзига яраша ҳисса қўшиб келмоқда. Хусусан, Президентимиз ташаббуси билан амалга оширилаётган Ал-Хоразмий шаҳарчаси лойиҳаси бу йилнинг энг катта ишларидан биридир. Бугунги кунда шаҳарчада юзлаб қурувчилар бир-биридан чиройли ва мухташам иморатларни қуриш билан машғул. Уларнинг тўла-тўқис фаолият юритиши учун барча шароит яратилган. Қолаверса, бу йилда қурилиш режалаштирилган турар жойларнинг катта қисми битказилиб, якунига етиш арафасида. Уй-жойларни сифатли қуриш, коммуникация тизимлари билан мукамал даражада таъминлаш йўналишида ҳам самарали ишларни амалга ошириб келяпмиз.

ҚАРОР ВА ИЖРО

Мақсад – нефть ва газ соҳасида юқори натижадорликка эришиш

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022 йил 7 июлдаги “Нефть ва газ соҳасида таълим-ишлаб чиқариш кластерини ташкил этиш чора-тадбирлари тўғрисида”ги қарори ушбу соҳада илм-фан ва ишлаб чиқариш ўртасида ўзаро интеграцияни йўлга қўйиш ва юқори малакали кадрлар билан таъминлашда муҳим аҳамият касб этади.

Мазкур қарорда белгиланган устувор вазифаларни амалга ошириш, бугунги талаб ва тақлиф асосида имкониятларни кенгайтириш Саноат энергетика гуруҳининг асосий вазифаси ҳисобланади.

Шундан келиб чиқиб айтганда, Саноат энергетика гуруҳи томонидан ўтган олти ой мобайнида қандай ишлар бажарилди ва салмоқли ютуқларга эришилди?

ЎА муҳбири Насиба Зиёдуллаева ушбу савол билан Саноат энергетика гуруҳи ижрочи директори Тўлқин ЮСУПОВга юзланди.

– Албатта, нефть-газ соҳасида юқори натижадорликка эришишда Президентимиз Шавкат Мирзиёев томонидан ушбу тармоққа қаратилаётган эътибор ва ислохотлар муҳим аҳамият касб этади, – деди Т. Юсупов. – Бугунги кунда Саноат энергетика гуруҳи айнан шу ислохотлар ижросини таъминлашга катта аҳамият қаратмоқда. Шу ўринда айтиш керакки, Саноат энергетика гуруҳи 2030 йилгача нефть қазиб олишни кўпайтириш бўйича давлат дастури ижросини сифатида Ўзбекистондаги энг йирик вертикал интеграциялашган нефть-газ компанияларидан биридир.

Компаниянинг стратегик мақсади углеводород ҳомишесини чуқур қайта ишлаш ва юқори сифатли нефть маҳсулотлари ишлаб чиқариш бўйича мамлакатимиз ишлаб чиқариш қувватларини кенгайтиришдан иборат. Жорий йилнинг биринчи ярим йиллик натижаларига кўра ҳисобот даврининг асосий кўрсаткичлари Фарғона нефтини қайта ишлаш заводида ишлаб чиқариш унумдорлигининг оширилиши, нефть маҳсулотларини сотиш ҳажмининг кескин ўсиши, суюқ углеводородлар ва газ қазиб чиқаришнинг кўпайиши ҳисобланади.

Асосий ўсиш кўрсаткичлари таҳлилга кўра, суюқ углеводородлар қазиб чиқариш 305,2 минг тонна, газ қазиб чиқариш 723,2 миллион метр куб, Фарғона НКИЗда қайта ишлаш ҳажми 650,5 минг тонна ва нефть маҳсулотларини сотиш ҳажми 502,7 минг тоннани ташкил этди. Шунингдек, ушбу заводда нефть ҳомишесини қайта ишлаш ҳажми 650,5 минг тонна бўлиб, 2022 йилга нисбатан ўсиш суръати 61 фоиздир. Бу компанияга 502,7 минг тонна нефть маҳсулотлари сотиш имконини берди ва бу ўтган йилга нисбатан 73,3 фоиз кўп, дегани. Аҳамиятлиси, Ўзбекистон иқтисодиёти учун 208 минг тоннадан ортиқ дизель ёқилғиси ва 168 минг тоннадан ортиқ бензин етказиб берилди.

Тошкент шаҳри ва Тошкент вилоятидаги истеъмолчиларни нефть маҳсулотлари билан узлуксиз таъминлаш мақсадида компания томонидан 2023 йил апрель ойида “Тошкент” халқаро аэропортидаги ёқилғи қўйиш мажмуаси ҳудудида нефть маҳсулотларини сақлаш ва тарқатиш терминали фойдаланишга топширилди. Бугунги кунга қадар терминал орқали 30 минг тоннадан ортиқ нефть маҳсулотлари етказиб берилди.

Шунингдек, суюқ углеводородлар қазиб олиш ҳажми 305,2 минг тоннани ташкил этиб, ўтган йилнинг шу даврига нисбатан 10,6 фоизга ўсди. Газ қазиб олиш 723,2 миллион куб метрни ташкил қилди, бу 2022 йилнинг шу даврдаги кўрсаткичидан 22,8 фоизга кўп. Уртача сулукли углеводород қазиб олиш ҳажми эса 1648 тонна бўлиб, ўтган йилнинг

биринчи ярмидагига нисбатан 1,7 фоизга кўпдир.

Ўз навбатида, янги қудуқларни бурғилашдан саноат эксплуатациясига ўтказиш, 106 қудуқда амалга оширилган геологик-техник тадбирлар, шу жумладан, илгари ликвидация қилинган қудуқларни ишга тушириш ва фойдаланишга топшириш каби ишлар ўсишининг асосий омиллари ҳисобланади. Қашқадарё вилоятининг “Чегара”, “Янги Қоратеп”, “Шарқий Испанли” ва “Жейнов” конларида нефть ва газ қазиб олишни кўпайтириш лойиҳаларининг амалга оширилиши бунга аяқол мисолдир.

Компания томонидан ўзлаштирилган инвестициялар ҳажми ўтган йилнинг шу даврига нисбатан 2,5 баробар ошди, 78 миллион долларни ташкил этди. 40 дан зиёд технологик объектлар капитал таъмирланди.

Хавфсиз ишлаш ва саноат хавфсизлиги, меҳнатни муҳофаза қилиш ва экология соҳасидаги халқаро стандартларга риоя қилиш компаниянинг асосий қадриятидир. Жорий йилнинг биринчи ярмида ишлаб чиқаришда бирон-бир бахтсиз ҳодисага йўл қўйилмади. Иш жойларидаги меҳнат шароитларини баҳолаш, шунингдек, зарарли ва хавфли ишлаб чиқариш омилларини аниқлаш ҳамда меҳнат шароитларини меҳнатни муҳофаза қилиш бўйича давлат меъёри талабларига мувофиқлаштириш чораларини қўриш мақсадида ҳисобот даврида 800 дан ортиқ иш ўрни аттестациядан ўтказилди. “Яшил макон” умуммиллий лойиҳаси доирасида компания ходимлари барча ишлаб чиқариш бўлинуларида 4 минг 200 дан ортиқ дархаст қўчати ўтказди.

Компания ISO 14000 (экологик менежмент тизими) ва ISO 45000 (меҳнат саломатлиги ва хавфсизлиги менежменти тизими) каби халқаро стандартларга асосланган интеграциялашган бошқарув тизимларини жорий қилишни бошлади. 100 дан ортиқ киши янги стандартлар бўйича ишлашга ўқитилди.

Кадрлар масаласи Саноат энергетика гуруҳи фаолиятида муҳим ҳисобланади. Шунга кўра, компанияда ёш мутахассисларни жалб қилиш ва кадрлар малакасини оширишга 26 миллион доллардан ортиқ сармоя йўналтирилди. Жумладан, кадрлар тайёрлашнинг узлуксиз олиб бориладиган жараёни доирасида Қаршидаги Саноат энергетика гуруҳи ишлаб чиқариш корхонаси негизида ташкил этилган Ўқув полигонига “Нефть ва газ қазиб олиш оператори”, “Қудуқларни ўрганиш оператори” мутахассисликлари бўйича 300 нафарга яқин ходимлар тайёрланди. Шу тариха, ўтган йилнинг апрель ойида полигон ишга туширилгандан бўён 800 га яқин нефть ва газ қазиб олиш операторлари кон шароитларига имкон қадар яқин бўлган шарт-шароитларда ўқитилди.

Хулоса ўрнида айтганда, ушбу натижадор Саноат энергетика гуруҳининг тўлиқ интеграциялашган нефть-газ компанияси сифатида Ўзбекистонда тақдим этиши мумкин бўлган кенгайтирилган имкониятлар ва самарадорлик даражасини кўрсатиб беради. Бу жараёнда компания янги иш ўринлари яратиш, ходимларни янги малакаларга ўргатиш, компания микёсида хавфсиз меҳнат амалиётига амал қилишни кучайтириш ва фаолиятининг барча жиҳатларини такомиллаштиришдан сира толмайди.



Ботир ЗАКИРОВ,
Ўзбекистон Республикаси Қурилиш ва уй-жой коммунал хўжалиги вазири:

– Муҳтарам Юртбошимизнинг йўллаган табрикларини тинглаб, унда билдирилган эзгу тилақлардан шу соҳанинг вакили сифатида мен ҳам жуда таъсирландим. Юртимизнинг янада обод бўлиб, шаҳару қишлоқларнинг кўркам манзилга айланаётгани замирида ўз қабсининг фидойиси бўлган қурилиш соҳаси ходимларининг заҳматли меҳнати мужассамдир. Бугун жонажон Ватанимиз мисли қўрилмаган даражада жадаллик билан олиб борилаётган қурилиш ва бунёдкорлик майдонига айланган. Республикаимиз бўйича жами қурилиш ишларининг ҳажми 2022 йилда 131 трлн сўмга етиб, жорий йил биринчи ярим иллийгида 68 трлн сўмни ташкил қилди. Шунинг ўзиёқ, қурилиш соҳаси юртимиз иқтисодиётининг муҳим драйверига айланганини кўрсатмоқда. Бу эса, ўз навбатида, бизга катта масъулият юклайди. Азиз соҳамиз фидойилари, мана шу вазифани зиммангиздаги муқаддас бурч деб билиб, ўз ишингизга сидқидилдан ёндашаётганингиз алоҳида эътирофга сазовордир. Мен ҳам бутун умримни, бор куч-шижоатимни шу соҳага бағишлаганимдан фخرлланаман!



Азимжон ҚУРБАНБАЕВ,
Қорақалпоғистон Республикаси Қурилиш ва уй-жой коммунал хўжалиги вазири:

– Азалдан бунёдкор халқнинг ворислари сифатида бугунги кунда ҳам шаҳару қишлоқларимизнинг замонавий архитектурасини ривожлантириш мақсадида қурилиш-таъмирлаш ишларини амалга ошириб келмоқдамиз. Бу жараёнга қорақалпоғистонлик бунёдкорлар, меъмору муҳандислар ҳам ўз меҳнати билан ҳисса қўшиб келяпти. Касб байрами муносабати билан ардоқланиш ҳар кимга ҳам ўзга-

МЕҲНАТИДАН ҚАДР ТОПГАН БУНЁДКОРЛАР

1-бет



Шерзод СОДИҚОВ,
Қурилиш ва уй-
жой коммунал
хўжалиги вазирлиги
хузуридаги
Қурилишда техник
меъёрлаш ва
стандартлаштириш
илмий-тадқиқот
институтининг
директори:

– Авваламбор, куни кеча нишонланган касб байрами билан барча соҳа вакиллари яна бир бор табриқланади. Бугунги кунда соҳа жадаллик билан тараққий этиб бормоқда. Қолаверса, қурилиш соҳасида ислохотларни янада чуқурлаштириш ва бюрократик тўсиқларни камайтиришга берилётган эътибор сабаб соҳада қурилиш талабларини соддалаштириш тақозо қилиняпти. Шу мақсадда, Президент томонидан вазирлик хузурида илмий-тадқиқот институтини очилди. “Ўзбекистон – 2030” стратегиясида ҳудудларни комплекс ривожлантириш, урбанизация стратегиясини амалга ошириш, аҳолини арзон уй-жой билан таъминлаш даражасини ошириш, бунда қурилиш ҳажмини йилга 25 миллиард АҚШ долларига етказиш, қурилиш материаллари ишлаб чиқариш ҳажмини 2 бараварга кўпайтириш, уй-жой қуриш учун республика бўйича 2 минг гектар ер участкасини ажратиш, қурилиш бозорига рақобат ва сифатни ошириш, нархларни арзонлаштириш учун салоҳиятли қурувчиларга махсус техникалар



Зебунисо ЮСУПОВА,
Қурилиш ва уй-
жой коммунал
хўжалиги вазирлиги
Архитектура ва
шаҳарсозликни
ривожлантириш
бошқармаси бош
мутахассиси:

– Қурилишнинг асоси мукамал лойиҳа ҳисобланади. Бу борада бугун юртимиз лойиҳа институтларида малакали архитекторлар томонидан пухта лойиҳалар ишлаб чиқилиб, ҳаётга татбиқ этилмоқда. Шунингдек, давлатимиз раҳбарининг қурилиш соҳасига қаратаётган эътибори натижасида республика аҳоли пунктларини шаҳарсозлик ҳужжатлари билан таъминлаш масаласи долзарб аҳамият касб этяпти. Бунинг учун бюджет маблағлари ҳисобидан ижтимоий ва ишлаб чиқариш инфратўзимларини ривожлантириш доирасида молиялаштириладиган йўналишларнинг асосий параметрлари рўйхатига бош режа ва бошқа шаҳарсозлик ҳужжатларини ишлаб чиқиш харажатлари ҳам киритиб борилмоқда. Бугунги кунда камтарона меҳнатларимиз катта эътибор топаётганидан, фидойи касб эгалари шарафланаётганидан қувончимиз чекмас. Қурилиш соҳасининг вакили сифатида мени гурурга тўлдирган нарсаси шунки, бугунги кунда амалга ошири-



Зокир ЖУМАНОВ,
Самарқанд вилояти
Қурилиш ва уй-
жой коммунал
хўжалиги соҳасида
худудий назорат
қилиш инспекцияси
бошлиғи:

– Самарқанд асл бунёдкорлар юрти. Шу боис, қадимдан то бугунги кунга қадар ҳам қурилиш соҳаси вакиллари ота-боболардан мерос бўлиб келаётган асрий анъанани шараф билан адо этиб келмоқда. Халқимизни уй-жойли қилишдек шарафли касбда ишлаётганимиз, қолаверса, нафақат вилоят, балки юртимиз равнақи, унинг гуллаб-яшнашига ўз ҳиссамизни қўшаётганимиздан мамнунмиз. Айтиш жоизки, бугун ҳам Самарқанд кун сайин янада сайқалланиб, кўплаб иншоотлар барпо этилаётган бунёдкор заминга айланди. Хусусан, Самарқанддаги Зарафшон дарёси соҳилида салкам 700 гектарга яқин майдонда кўп қаватли уйлар, савдо мажмуалари ва бошқа объектлардан иборат бўлган “Ширин” замонавий массивини барпо этиш режалаштирилган. Айни пайтда ушбу лойиҳа бўйича ҳам катта ишлар амалга оширилиши кўзда тутилмоқда. Бу борада, албатта, қурилатган уй-жойлар ва ижтимоий соҳа объектиларининг ҳар томонлама талабга жавоб бериши, сифат жиҳатдан ҳам мукамаллигини таъминлаш

долзарб вазифа ҳисобланади. Самарқанд вилоят Қурилиш ва уй-жой коммунал хўжалиги соҳасида худудий назорат қилиш инспекцияси томонидан 2023 йилда белгиланган режага асосан рўйхатдан ўтган объектларда доимий назорат ўрнатилган. Объектларда қурувчилар учун қулай ва хавфсиз шароит яратиш мақсадида барча чора-тадбирлар қўрилгани ҳам ишларни сифатли бажаришни замин яратмоқда. Шундай шуқулли кунларда бу вазифани чин дилдан адо этиб келаётган барча ҳамкасбларимизга байрам яна бир бор муборак бўлсин!



Темур НОРБОВЕВ,
Хоразм вилоятидаги
“Шиддат монолит”
хусусий корхонаси
раҳбари:

– Корхонамизга 2008 йилда асос солганмиз. 15 йилдан бери шу соҳада салоҳиятимизни оширишга ҳаракат қилиб келамиз. Корхонамиз асосан хусусий уй-жойлар қурилиши, капитал реконструкция ишлари билан шуғулланади. Бугунги

тадбир ва байрам биз учун юксак эътибор намунасидир. Бунинг учун Президентимизга ташаккур айтмайиз. Ҳозирги ва олдинги бозор шароити тубдан ўзгарди. Авваллари фақат давлат пулидан қурилишлар амалга оширилган бўлса, ҳозир ўз ёнидан пул тикиб қурилиш қилаётган корхоналар сони ортган. Қўриб турибсизки, барча ҳамкасбларимизнинг кайфияти анча кўтаринки, улар билан суҳбатлашсангиз, бунга ўзингиз ҳам гувоҳ бўласиз. Худо хоҳласа, кейинги йилга қадар фаолиятимизни янада кенгайтириб, қўшни республикаларда ҳам қурилиш қилиш ниятидамиз.

Айтиш лозимки, энг яхши совға, қилган меҳнатининг муносиб эътирофи этилишидир. Бу туйғу ҳар қандай касб эгасига ўзгача таъсир кўрсатади. Шу боис, ҳар йилги анъанага мувофиқ байрам тадбирида йил давомида соҳа ривожини учун фаол меҳнат қилган бир қатор ходимлар вазирлик томонидан турли номинациялар бўйича эътироф этилди. Хусусан, “Энг жонқуяр ходим”, “Энг ишчан ходим”, “Энг намунали ходим”, “Энг масъулиятли ходим”, “Энг фидойий ходим”, “Энг ташаббускор ходим”, “Энг шижоатли, ғайратли ходим” каби 19 та номинация бўйича бир қатор ходимлар тақдирланишди.

Бундан ташқари, Қурилиш соҳаси ходимлари кўни тадбирлари юртимизнинг барча ҳудудларида ҳам катта тантана сифатида нишонланди.



Хусусан, Бердақ номидаги Қорақалпоқ давлат музыка театрида Қурилиш соҳаси ходимлари кўни муносабати билан байрам тантанаси бўлиб ўтди. Унда иштирок этганлар мамлакатимизнинг ривожланиши, халқимизнинг фаровонлигини таъминлашда бугунги куннинг моҳир қурувчилари, муҳандислар, лойиҳачи-дизайнерлар, қурилиш санъати вакиллари ва пудратчиларнинг ҳиссаси салмоқли эканлигини таъкидлашди. Дарҳақиқат, уларнинг тўқсонлида шаҳар ва қишлоқларимизда, бутун мамлакатимизда ишлаб чиқариш корхоналари, аҳамиятли ижтимоий объектлар, замонавий уй-жойлар, йўл ва кўприкларни қуриб, турмушимизни янада обод этишга ҳисса қўшаётган бағрикенг касб эгаларини кўрамыз. Юртимизда амалга оширилаётган қурилиш ва ижодкорлик ишлари, шаҳар ва қишлоқларнинг обод этишда забардаст соҳа ходимларининг меҳнатлари алоҳида эътиборга молик. Байрам тадбирида қурилиш соҳасида салмоқли меҳнат қилаётган меҳнат фахрийлари, фаол қурувчилар кўкрак нишони ва фахрий ёрликлар билан тақдирланишди.

Қурилиш соҳаси ходимлари кўни Андижон вилоятида ҳам кенг нишонланди. “Rayon” тантаналар саройида бўлиб ўтган бош тадбирда вилоятда бунёдкорлик соҳасида фаолият юритаётган фидойи ходимлар иштирок этишди.

– Бугунги касб кўнини меҳнатда муносиб совғалар билан қарши олдик, – деди “Андижон сув таъминоти” МЧЖ ахборот хизмати раҳбари Мархабохон Насриддинова. – Мисол учун, биргина бизнинг муассасамиз томонидан истеъмолчиларга хизмат кўрсатиш сифатини ошириш мақсадида 1 минг 77 километр ичимлик ва 3 километр оқова сув тармоғи, 196 та сув қудуғи, 6 донга ичимлик ва оқова сув иншоотини қуриш ҳамда 95 донга сув қудуғини реконструкция қилиш ишлари амалга оширилди. Бу каби қурилиш ишлари вилоятимизнинг ҳар бир шаҳар ва туманларида кенг қўламда давом этапти.

Тадбир давомида бир гуруҳ қурувчилар вилоят ҳокимлигини номидан муносиб тақдирландилар.



Жиззахда ҳам Қурилиш соҳаси ходимлари кўни катта тантана билан бўлиб ўтди. Байрамда вилоят ҳокими биринчи ўринбосари Абдували Мустанов иштирок этиб, вилоят ҳокими Эргаш Салиевнинг байрам табригини тадбир иштирокчиларига ўқиб эшиттирди ва барча соҳа ходимларини самимий муборакбод этди.

– Бугунги кунда халқимизнинг азалий орзу-умидлари рўёбга чиқмоқда, – деди вилоят ҳокими ўринбосари. – Қайси соҳани олманг тараққиёт, ривожланиш сари илгарилаб бораётганига гувоҳ бўласиз. Аҳолини уй-жой билан таъминлаш соҳасида олиб борилаётган ишлар жадал суръатда давом этмоқда. Жумладан, Давлатимиз раҳбарининг 2023 йил 13 апрелдаги Фармонида асосан, 2023 йилда Жиззах вилоятида жами 3 115 хонадонли 84 та уй-жой қурилиши кўзда тутилган. Хусусан, “Янги Ўзбекистон” массивларида 1 480 хонадонли 26 та кўп қаватли уй-жой қурилиши белгиланган. Бугунги кунда, мазкур уй-жойларда қурилиш монтаж ишлари жадал суръатда олиб боришмоқда. Тадбиркорлик субъектлари томонидан ҳам ипотека кредити ва ўз маблағлари ҳисобига 1 635 хонадонли 58 та кўп қаватли уй-жой қурилиши белгиланиб, бугунги кунда мазкур уй-жойларнинг 14 таси фойдаланишга топширилди. Қолган уй-жойларда ҳам энергия тежовчи материаллардан фойдаланган ҳолда, кўёш панеллари ўрнатилиб, жорий йил якунига қадар тўлиқ фойдаланишга топширилади.

Тадбирда бир гуруҳ соҳа вакиллари вилоят ҳокимлигининг фахрий ёрликлари ва эсдалик совғалари билан тақдирланишди. Якунда пойтахтдан ташриф буюрган ва маҳаллий санъат вакиллари томонидан байрам дастури намойиш этилди.



Фарғона шаҳридаги “Файз” мажмуасида Қурилиш соҳаси ходимлари кўни муносабати билан вилоятдаги қурилиш-бунёдкорлик ишларида жонбозлик кўрсатган меҳнаткаш уста-қурувчилар учун байрам тадбири ташкил этилди. Тадбирга вилоятда қурилиш соҳасида фидокорона меҳнат қилаётган моҳир қурувчи ва муҳандислар, уста ва меъморлар, лойиҳачи ва пудратчи ташкилотлар вакиллари тақлиф этилди. Тадбирда сўз олган вилоят прокурори Бахтиёр Исмоилов йиғилганларни касб байрами билан самимий табриқлаб, вилоят ҳокими Хайрулло Бозоровнинг қурилиш соҳаси ходимларига йўллаган байрам табригини ўқиб эшиттирди.

“Улкан қурилиш майдонига айланган вилоятимизда ҳозирги кунда аҳолини муносиб турар жой билан таъминлаш мақсадида барпо этилаётган замонавий уй-жойлар, шу жумладан, “Янги Ўзбекистон” массивлари, инфратўзимлари ривожланиб, обод бўлаётган маҳаллалар, қурилатган кўплаб янги ижтимоий соҳа объектилари, Реновация дастуриимиз доирасида эски уйлар ўрнида қад ростлаётган янги кўп қаватли турар жой мажмуалари – буларнинг барчаси сизларнинг машаққатли меҳнатингиз натижаси эканини Фарғона аҳли яхши билади ва юксак қадрлайди. Вилоят ҳокимлиги сизларнинг янада самарали фаолият кўрсатишингиз, вилоят қурилиш соҳаси салоҳиятини ошириш учун келгусида ҳам зарур шароит ва имкониятларни янада кенгроқ яратиб беради деб сизларни ишонтираман”, – дея тилак билдирилди вилоят ҳокими табригида.

Байрам тадбирида вилоятдаги қурилиш-бунёдкорлик ишларида жонбозлик кўрсатиб келаётган меҳнаткаш уста-қурувчилар, соҳа фидойиларига фахрий ёрлик ва эсдалик совғалари топширилди.



Термиз шаҳрида ҳам қурилиш соҳаси ходимларининг касб байрамига бағишланган тантанали тадбир бўлиб ўтди. Тадбирда янгилаётган Сурхондарёнинг янги қиёфасини барпо этишда фидойилик кўрсатаётган моҳир қурувчи ва муҳандислар, уста ва меъморлар, лойиҳачи ва пудратчи ташкилотлар вакиллари иштирок этидилар. Тадбирда Сурхондарё вилояти ҳокими Улугбек Қосимов воҳа қурувчиларини касб байрами билан табриқлаб, уларнинг шарафли ва айни пайтда машаққатли ишларига муваффақият тилади.


– Давлатимиз раҳбари ташаббуси билан жанубдаги вилоят улкан бунёдкорлик майдонига айланди, – деди вилоят раҳбари. – Жойларда амалга оширилаётган бу ишлар воҳа ободлиги, халқимиз фаровонлиги ва инсон қадрини юксалтиришга хизмат қилмоқда. “Тупаланг” сув омборидан Термиз шаҳри ва 11 та туманининг 1 миллион 700 минг аҳолисини тоза ичимлик суви билан таъминлайдиган мега лойиҳа, шунингдек, ҳудудларда барпо этилаётган замонавий кўп қаватли уй-жойлар ҳам бунга аққол далилидир. Мазкур лойиҳанинг амалга оширилаётгани халқимизнинг асрий орзуларини рўёбга чиқараётган бўлса, янги турар жойлар уй-жойга муҳтож ва ёш оилаларнинг бахтли турмуш кечириши ва одамларнинг бугунги ҳаётини рози бўлиб яшашида муҳим омил бўлаётди.

Тадбир доирасида тўқтин дастурхон ёзилиб, санъат усталарининг қизиқарли концерт дастури намойиш этилди. Қурилиш соҳасининг бир гуруҳ вакиллари вилоят ҳокимлигининг фахрий ёрлик ва қимматбахо совғалари билан тақдирланишди.



Наманган вилоятида ҳам соҳа фидойиларининг касб байрамига – қурилиш соҳаси ходимлари кўнига бағишланган тадбирда меҳнат фахрийлари, уста-қурувчилар, архитекторлар ва масъул мутасаддилар иштирок этишди. Вилоят ҳокимининг биринчи ўринбосари Акрамжон Абдухамидов йиғилганларни касб байрами билан самимий табриқлади. Ҳар бир касбнинг ўз заҳматкашлари бўлади. Наманганнинг бугунги ободлиги ва қурувчи тароватида ана шундай жонқуяр ходимларнинг меҳнати бекиёсллигини эътироф этиди. Бир гуруҳ фахрийлар ва уста-қурувчиларга ташаккурнома ва совғалар топширилди.

Юртимизнинг барча вилоятларидаги каби қашқадарёлик бунёдкорлар ҳам ушбу кўни катта муваффақиятлар ва ижобий кўрсаткичлар, энг муҳими, кўплаб янги объектлар билан кутиб олишди. Маълумотларга кўра, жорий йилнинг январь-июнь ойлари мобайнида вилоятда жами 3 триллион 968,7 миллиард сўмлик қурилиш ишлари бажарилиб, ўтган йилнинг тегишли даврига нисбатан ўсиш суръати 105,3 фоизни ташкил этган. Мазкур яриймиллиқда амалга оширилган қурилиш ишлари ҳажми бўйича Қашқадарё вилоят республикамиз ҳудудлари кесимида Самарқанд, Бухоро, Фарғона ва Тошкент вилоятлари ҳамда Тошкент шаҳри билан биргаликда кучли олтиликдан жой олиб, қурилиш соҳасида фаолият кўрсатаётган корхона ва ташкилотлар сони 2 минг 688 тани ташкил этиб, республикада туртинчи ўринни эгаллаб келмоқда.



Билан Қарши шаҳридаги Ҳарамжўй маҳалласида ишга туширилган анъанавий автомобиль ва электромобилларга техник хизмат кўрсатиш маркази, Нишон туманидаги Талимаржон ИЭСда фаолият бошлаган 1 мегаватт қувватга эга қуёш фотоэлектр станцияси ҳамда Муборак туманидаги Истиқлол маҳалласи Янги Қорақум массивида қуриб битказилган, лойиҳа қиймати 16,7 миллиард сўмга тенг 660 ўринли 34-умумтаълим мактабининг биноси ва бошқа иншоотларнинг фаолият бошлаши тўғрисида тўёна бўлмоқда.

Шу боис, Қашқадарёда Қурилиш соҳаси ходимлари кўни муносабати билан вилоятнинг бунёдкорлиги ва ободлиги ҳамда воҳа аҳлининг фаровон ҳаёти йўлида хизмат қилаётган қурувчилар учун байрам тадбири ташкил этилди. Тадбирда вилоят ҳокимининг биринчи ўринбосари иштирок этиб, вилоят ҳокими Муротжон Азимовнинг воҳа қурувчиларига йўллаган байрам табригини ўқиб эшиттирди. Шунингдек, ўз ишнинг чинакам ва жонқуяри бўлган соҳа эгалари вилоят ҳокимлигини номидан фахрий ёрлик ҳамда қимматбахо эсдалик совғалар билан тақдирланишди.

Бир сўз билан айтганда, бунёдкор элимиз ҳеч қачон қуришдан тўхтамайди. Азалий мерос сифатида давом этиб келаётган бу анъана туфайли юртимиз гўзаллашиб, дунёга танилмоқда. Кўни кеча катта тантана сифатида нишонланган касб байрами эса машаққатли аммо шарафли соҳа эгаларини яна бир бор мадҳ этишга замин яратди. Зеро, фидокор ва заҳматкаш соҳа вакилларининг юртимиз, юртодошларимиз учун кўрсатаётган хизматини қанча мадҳ этсак ҳам, оз. Чунки уларнинг меҳнати туфайли уйли-жойли бўлаётган халқимиз қувончидан ортиқ бахт борми? Зеро, шоир айтганидек, “Юртига бошлана қурган инсондан янада бахтлироқ ким бордир, ахир!”.

Ўз мухбирларимиз.

Шаҳару қишлоқлари бирдек кўркемлашаётган мафтункор ФАРҒОНА

Орифжон ИСМОИЛОВ, "O'zbekiston bunyodkori" мухбири.

Азалдан ўзининг баҳаво ва гўзал табияти билан юртдошларимизни ром қилиб келаётган мафтункор Фарғона вилояти бугун ҳам улкан бунёдкорликлар оғушида. Кунда бир иншоот қад ростлаб, кўкка бўй чўзмокда. Шинам турар жойлару замонавий мактаб-боғчалар, тиббиёт муассасаларию дўконлар нафақат вилоят қиёфасига кўркемлик, балки юртдошларимизга ҳам кўтаринки кайфият бағишламокда.



Тез тиббий ёрдам станцияси учун янги бино

Республика тез тиббий ёрдам маркази Фарғона филиалига қарашли Фурқат тумани тез тиббий ёрдам станциясининг янги биноси қурилиши учун "Ташаббусли бюджет" лойиҳаси орқали 5 минг 148 та овоз тўпланиб, 1 млрд 200 млн сўм маблағ қўлга киритилди. Ушбу маблағ мақсадли сарф этилиб, янги тез тиббий ёрдам станцияси биноси барпо этилди.

Бинонинг тантанали очилиш маросимида туман раҳбарлари, соҳа ходимлари ҳамда кенг жамоатчилик вакиллари, нуронийлар иштирок этидилар. Очилиш маросимида сўзга чиққанлар замонавий лойиҳа асосида бунёд этилган мазкур муассаса худудда яшовчи 122 минг нафардан зиёд аҳолига ўз вақтида, мунтазам ва сифатли тиббий хизмат кўрсатишини таъкидлаб, тизимни аҳолига янада яқинлаштиришини қайд этидилар.

Ушбу тез тиббий ёрдам станцияси 2 та реанимобил ва 7 та тез тиббий ёрдам автомоби́ли, тезкор интернет, телефон ва радиоалоқа тизими билан таъминланган. Бу ерда 2 та фельдшерлик ва 7 та шифокорлар бригадасидан ташкил топган малакали тиббиёт ходимлари фаолият юритади. Шунингдек, станцияда автотранспорт воситалари учун усти ёпиқ тураргоҳ, дорихона, чакирикларни назорат қилиш, дори-дармонларни сақлаш ва тарқатиш ҳамда амбулатор беморларга биринчи тиббий ёрдам кўрсатиш хоналари мавжуд.

Яккатутда спортсевар ёшларга қулай шароит яратилмокда



"Ташаббусли бюджет" лойиҳаси фуқароларнинг ижтимоий фаоллигини ошириш ва жойлардаги муаммоларни қисқа муддатда ҳал этишнинг манзилли ечини бўлиб хизмат қилмокда. Дастурининг жорий йилги 1-мавсуми доирасида таклифлари ғолиб деб топилган ижтимоий соҳа объектларида ҳам таъмирлаш, жиҳозлаш ва уларнинг моддий-техника базасини мустаҳкамлаш ишлари амалга оширилмокда.

Ўзбекистон туманидаги спорт мактабининг Яккатут маҳалласидаги 1-базаси биносини таъмирлаш бўйича билдирилган ташаббус 2 мингдан зиёд овоз тўплади. Президентини топшириғи асосида мазкур ташаббусни амалга ошириш учун 600 миллион сўм маблағ ажратилди. Лойиҳа доирасида спорт муассасасининг ички ва ташқи фасадлари тўлиқ янгича тус олди. Бинонинг таъмирталаб том қисмлари ва ёритиш тизимлари янгиланди. Машғулот, ечиниш ва кийиниш, ювениш ҳамда санитария хоналари таъмирланиб, қулай шароитлар яратилди. Муассаса ховлисига йўлга тош (брусчатка) ётқизилди. Шунингдек, асосан ёз фаслида фойдаланиш учун янги қўшимча ечиниш ва кийиниш хонаси бунёд этилди. Айни вақтда биноларда сўнгги пардозлаш ва муассаса худудини ободонлаштириш ишлари давом этмокда.

Туман ҳокими Шерзоджон Юлдашев спорт мактабида бўлиб, ташаббус ижроси доирасидаги таъмирлаш-ободонлаштириш ишлари билан танишди. Янги қиёфага эга бўлган спорт иншоотини яқин муддатларда фойдаланишга топширилиши натижасида 300 нафардан зиёд ўғил-қизларга спортнинг қатор турлари билан янада қулай ва замонавий шароитларда мунтазам шугулланиш имконияти яратилади.

Мактаб биноси замонавий қиёфа касб этмокда

Учкўприк туманида "Ташаббусли бюджет" лойиҳаси асосида худудларда яшовчи аҳолининг йиллар давомида йиғилиб қолган энг долзарб масалалари ҳал этилмокда. Мазкур лойиҳада ўз ташаббуслари билан фаол қатнашган маҳаллалардаги йўл, ичимлик суви, электр таъминоти билан боғлиқ муаммолар босқичма-босқич ўз ечимини топомқда.

Шунингдек, "Ташаббусли бюджет" лойиҳасининг жорий йилги 1-мавсуми доирасида таклифлари ғолиб деб топилган 4 та умумтаълим мактабида ҳам таъмирлаш, жиҳозлаш ва уларнинг моддий-техника базасини мустаҳкамлаш ишлари амалга оширилмокда. Хусусан, "Учкўприк" маҳалла фуқаролар йиғини худудидаги 56-умумтаълим мактаби биносини таъмирлаш бўйича билдирилган ташаббус 2 мингдан зиёд овоз тўплади. Президентини топшириғи асосида мазкур ташаббусни амалга ошириш учун 1 миллиард 50 миллион сўм маблағ ажратилди.

Лойиҳа доирасида таълим муассасасининг эскирган эшик ва деразалари янгиларига алмаштирилди, ошхона биносининг том қисми янгиланди. Айни вақтда спорт зали ва бошқа биноларни жорий таъмирлаш, муассаса худудини ободонлаштириш ишлари давом этмокда.

"Эшон" МФЙга тоза ичимлик суви келади



Фурқат туманида ҳам маҳаллаларнинг меъморий қиёфасини тубдан янгилаш, биринчи навбатда коммунал масалаларни ҳал этиш мақсадида ичимлик суви тармоғи тортиш ишлари амалга оширилмокда.

"Эшон" маҳалла фуқаролар йиғинида 686 та хонадонда 3 418 нафар аҳоли истиқомат қилади. Маҳаллада 4 та – Борлиқ, Сўлимгоҳ, Фароғат, Фазо кўчалари мавжуд. Белгиланган давлат дастури асосида маҳалланинг Фазо кўчасига 2,1 млрд сўм маблағ эвазига 6 км ичимлик сув тармоғи, 1 та сув минораси, 1 та сув кудуги, 1 та сув насос ўрнатиш ҳисобига 270 та хонадонда 1000 нафарга яқин аҳоли тоза ичимлик суви билан таъминланади.

Қўшимча давлат дастури асосида 4 та кўчанинг 4000 метр ички йўллари асфальтланди. Шунингдек, "Ташаббусли бюджет" лойиҳасининг жорий йилги биринчи босқичида маҳалланинг таъмиргоҳ муҳтож бўлган ички йўлларини таъмирлаш билан боғлиқ ташаббуслари 3 015 та овоз билан ғолиб деб топилди. Ҳозирги кунда 3000 метр ички йўллар асфальтлашга тайёрланмокда. Бундан ташқари, маҳалла аҳлининг томорқасидан унумли фойдаланишлари учун шароитлар яратиш мақсадида Фазо ва Сўлимгоҳ кўчаларидаги зовурлар қовланиб, ярқисиз қувурлар янгиланмокда. Аҳоли вакиллари маҳаллаларнинг қиёфаси тобора кўркемлашиб, кўп йиллик муаммолар бирин-кетин ҳал этилаётганидан мамнун.

Қарор ижроси таъминланмокда

Ўзбекистон Республикаси Президентининг "2022-2023 йилларда маҳаллалар инфратузилмасини янада яхшилаш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида"ги қарорига асосан Фурқат туманида маҳаллалар инфратузилмасини яхшилаш ишлари жадал давом эттирилиб, аҳоли муаммолари бирин-кетин ҳал бўлмокда.

"Кичик янги" маҳалла фуқаролар йиғинида жойлашган 14-мактаб 1970 йил қурилган бўлиб, 2009 йил капитал реконструкциядан чиқарилган. Мактабда 709 нафар ўқувчи 53 нафар малакали ўқитувчидан тахсил олмокда. Бироқ шу кунга қадар ўқувчилар учун спорт зали мавжуд эмас эди. Ушбу қарорга асосан янги спорт зал қуришга 1 млрд 750 млн сўм маблағ ажратилди ва қуриб битказилди. Янги ўқув йилига қадар спорт зал тўлиқ жиҳозланиб, фойдаланишга топширилиши режалаштирилган.

Эски боғча янгича кўркем бунёд этилмокда

Ўзбекистон туманида мактабгача таълим ташкилотлари сони ва болаларни мактабгача таълимига қамраб олиш даражаси ортмокда. Мактабгача таълим ташкилотлари сони кўпайтириш, оилавий ва нодавлат боғчалар ташкил этиш билан биргаликда, мавжуд ва таъмирга муҳтожларини реконструкция қилиш, қўшимча бинолар қуриш ҳамда муассасаларда замонавий шароитларни яратишга алоҳида аҳамият қаратилмокда.



Туманнинг "Катта Тағоб" маҳалла фуқаролар йиғинида қарийб 85 йил аввал собиқ мактаб учун қурилган бинода фаолият кўрсатиб келаётган мактабгача таълим ташкилоти бугунги кунда замон талабига мутлақо жавоб бермай қўйганди. Сўнгги вақтларда мазкур муассасада 3 та гуруҳда 75 нафар бола тарбияланаётган эди. Туман ҳокимлиги ташаббуси билан таъмирталаб боғчани капитал реконструкция қилиш чоралари белгиланиб, маънан эскирган бино ва иншоотлар ўрнида 120 ўринли янги ҳамда замонавий бино бунёд этилмокда. Бунинг учун қурилиш-таъмирлаш ишларида туман маҳаллий бюджетидан қарийб 600 миллион сўм маблағ йўналтирилди. Айни кунларда пудратчи қурувчи ташкилот усталари томонидан масканда пардозлаш-бўяш ишлари олиб борилмокда.

Шунингдек, муассаса учун яна қўшимча маблағ йўналтирилиб, болалар ёғи айвончалари ва ёрдамчи хоналар барпо этиш кўзда тутилган. Сентябрь ойига қадар якунланиши белгиланган бунёдкорлик-ободонлаштириш ишлари натижасида кичик-китойларга муносиб ва қулай шароитлар яратилиб, маскан буткул обод ҳамда кўркем қиёфага эга бўлади.

Олчин маҳалласида инфратузилма яхшиланмокда

Бағдод туманида қишлоқ ва маҳаллалар инфратузилмаси билан боғлиқ энг долзарб масалаларни тизимли ҳал этиш, ички йўллар, ичимлик суви, электр энергияси ва газ таъминоти, таълим, соғлиқни сақлаш, маданият, спорт ва бошқа инфратузилма объектларини яхшилаш, шу асосда аҳоли учун муносиб турмуш шароитларини яратишга алоҳида эътибор қаратилмокда.

Жумладан, "Олчин" маҳалла фуқаролар йиғинида ҳам ичимлик суви таъминоти билан боғлиқ мавжуд муаммоларни бартараф этиш ва бу орқали аҳолига қулайлик яратиш мақсадида амалий ишлар олиб борилмокда. Маҳаллабай ўрганишлар давомида ичимлик суви таъминотини яхшилаш бўйича аҳоли томонидан билдирилган мурожаатга кўра, давлатимиз раҳбарининг "2022-2023 йилларда маҳаллалар инфратузилмасини янада яхшилаш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида"ги қарори асосида, янги сув кудуги қазиб чиқарилди. Сув минораси, трансформатор пункти ҳамда иншоот атрофида химоя тўсиқлари ўрнатилди. Шунингдек, 2 минг 400 метр узунликда ичимлик сув тармоклари тортилди. Мазкур лойиҳани амалга ошириш учун эса 1 млрд 50 млн сўм маблағ йўналтирилгани эътиборга молик.

– Лойиҳада белгиланган ишларнинг 90 фоизи бажариб бўлинди, фуқароларимиз тармокқа уланиб, ўз ховлисига сув ҳисоблагичлари ва жўмрақлар ўрнатишса, бўлди, – деди маҳалла раиси Абдуллажон Собиров. – Давлатимиз раҳбарининг шу қарори асқатиб, Олчин, Равнақ, Мунаввар, Ободлик ва Янги ният кўчаларида мавжуд 128 та хонадонга илк марта обиҳаёт кириб бормокда. Маҳалла инфратузилмасини яхшилаш ва аҳоли муаммоларини ҳал этиш борасидаги ишлар давом этмокда.

Даволаш-профилактика муассасаси фойдаланишга топширилди



Бағдод туманида аҳоли саломатлигини мустаҳкамлаш, тиббий хизмат сифатини яхшилаш, соҳада хусусий сектор улушини оширишга алоҳида эътибор қаратилмокда. Маълумотларга кўра, шу кунга қадар туманда 18 та хусусий даволаш-профилактика муассасаси фаолият юритган ва кунга кеча фойдаланишга топширилган "Imomov tibbiyot klinikasi" МЧЖ хисобига уларнинг сони яна биттага ортди.



Туман ҳокими Юсуфжон Хусайнов бошчилигидаги сектор раҳбарлари ҳамда соҳа фахрийлари ушбу клиникада яратилган замонавий шарт-шароитлар билан яқиндан танишдилар. Давлатимиз мустақиллигининг 32 йиллиги арафасида мазкур тиббиёт муассасасининг фойдаланишга топширилиши туман аҳолиси учун чинакам байрам тўғриси бўлгани таъкидланди. Таъсисчи Шерзоджон Имомовнинг маълум қилишича, муассасада клиник ва биохимик таҳлиллар амалга оширилади. Шунингдек, кўп йиллик тажрибага эга бўлган ходимлар томонидан 11 турда сифатли тиббий хизмат кўрсатилади ва муолажалар олиб борилади.

– Клиникамиз ўз фаолиятини бошлаши ҳисобига янги иш ўринлари яратилди, – деди Ш. Имомов. – Мақсадимиз – халқимизга замонавий ва сифатли тиббий хизмат кўрсатиш, аҳоли саломатлигини мустаҳкамлаш, соғлом турмуш тарзини кундалик ҳаётимизга кенг татбиқ этишдан иборат.

Қўшимча сифатида айтиш лозимки, клиникада стационар тарзда даволаниш ис-тагида бўлган беморлар учун 50 ўрин-жой ҳозирлаб қўйилган. Умуман, тумандаги хусусий даволаш-профилактика муассасаларининг 6 тасида стационар даволаш йўлга қўйилган бўлиб, улардаги ўрин-жойлар сони 146 тами, кўнлик қабул қуввати эса 565 нафарни ташкил этади. Ҳозирда хусусий тиббиёт муассасаларида 40 нафардан зиёд врач ва 70 нафарга яқин ҳамшира фаолият юритмокда.

МУБОРАКДА ҚАТОР ОБЪЕКТЛАР ФОЙДАЛАНИШГА ТОПШИРИЛДИ

Шухрат НОРМУРОДОВ, “O‘zbekiston bunyodkori” мухбири.

Ҳар йили энг улуғ, энг азиз байрамимиз – Истиқлол шодиёналари арафасида тўйга тўёна анъанаси асосида мамлакатимиз бўйлаб юртимизнинг ҳар бир гўшасида қад ростлаётган янги бинолар, ижтимоий объектларнинг очилиш маросимлари ўтказилиши одат тусига кирган. Мустақиллигимизнинг 32 йиллиги арафасида Қашқадарёда ҳам, янгидан янги бинолар, қурилиши якунланган объектларнинг очилиш маросимлари бошланиб кетди.



Вилоятнинг барча туман ва шаҳарларида бўлгани каби Муборак туманида ҳам лойиҳа қиймати 16,7 млрд сўмлик янги умумтаълим мактаби фойдаланишга топширилди.

Маълумот учун, 660 ўринли мазкур мактаб тумanning “Истиқлол” МФЙ Янги Қорақум массивида қурилган бўлиб, мактаб киши ва ёғзи спорт майдончалари, замонавий жиҳозланган лаборатория, турли касблари ўргатуви мослаштирилган хоналарга эга.

– Мактабимизнинг янги қурилган ва замонавий қиёфага эга бўлгани маҳалла аҳли учун мустақиллигимизнинг 32 йиллиги байрамига катта совға бўлди, – деди нафақадаги ўқитувчи Толиб Жомурод. – Энди бу мактабда таълим олган ёш авлод юртимиз келажагига муносиб ҳисса қўшадиган кадрлар бўлиб етишиб чиқишига аминман.

Шу кунни Муборакда яна бир объект – “My atele” тикувчилик марказининг ҳам очилиш маросими бўлиб ўтди. “Ис-



тиқлол” маҳалла фуқаролар йиғинида истиқомат қилувчи тadbиркор Хумоюн Абдухалимов томонидан ташкил этилган тикувчилик маркази маҳалладаги хотин-қизларни ҳам касбли, ҳам ишли қилишга ҳисса қўшди. Ҳозирги кунда ушбу тикувчилик марказида 10 нафарга яқин хотин-қиз иш билан таъминланиб, улар томонидан тикилган маҳсулотларнинг ақсарият қисми ички бозорни таъминлашга йўналтирилади. Келгусида тикувчилик қизқиши бўлган хотин-қизларни ўқитишни йўлга қўйиш лойиҳалари ҳам ишлаб чиқилмоқда.

Объектларнинг очилиш маросимларида вилоят ҳокими Муртожон Азимов, сектор раҳбарлари, бир гуруҳ туман фаоллари, нуронийлар ва ёшлар иштирок этди.

КУЗ-ҚИШ МАВСУМИГА ТАЙЁРГАРЛИК АВЖИДА

Фозилжон ҚОСИМОВ, “O‘zbekiston bunyodkori” мухбири.

Давлатимиз раҳбарининг “2022-2023 йилларда маҳаллалар инфратузилмасини янада яхшилаш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги қарори асосида Жиззах вилоятида ички йўллар таъмири, ичимлик ва оқава сув, электр энергияси, табиий газ таъминотини яхшилаш, мактабгача ва умумтаълим муассасалар, спорт объектлари, қишлоқ ва маҳалла бошқаруви учун бинолар қуриш, шунингдек, жойларда ўтказилган сайёр қабулларда кўтарилган масалалар, фуқаролар мурожаатлари мазмунидан келиб чиқиб, 200 га яқин лойиҳа бўйича қурилиш ҳамда таъмирлаш ишлари бажарилиши белгиланган эди.

Айни кунларда мана шу катта миқёсли ишлар тобора поёнига етиб бораётгани натижасида маҳаллалар ҳаётига фаровонлик кириб келаётгани эътиборга молик. Жиззах шаҳридаги кўп қаватли уйлар, йўллар таъмири, коммунал хизмат тизимидаги ишларни кузатсангиз, йил сайин ортиб бораверадиган кўплаб муаммоли масалалар ўз ечимини топганига амин бўласиз.

Томидан чакка ўтганига қишлоқ бошланам бор, дейишга қийналадиган Ёшлик ва Иттифоқ маҳаллаларида деярли барча кўп қаватли уйлар замонавий қўринишга келтирилди. Бюджет маблағлари ҳисобига амалга оширилаётган том ва фасад, йўлақлар, ертўла қисми ва коммунал-муҳандислик тармоқлари таъмирига янгидан ташкил этилган бошқарув сервис компаниялари бош-қош.

– Кези келганда айтиш керакки, бу каби ишлар турган гапки инсонларда дахлдорлик ҳиссини ошириши, кўпчиликка тегишли мулкни сифатли сақлаш учун бурчли бўлиш кераклигини кўрсатади, – деди “Жаҳонгир янги қурилиш” бошқарув сервис компанияси раиси Темуր Мўминов.

Жараёнда Дастур асосидаги мана шу каби таъдбирлар бевосита куз-қиш мавсумининг беталафот ўтишига ҳам хизмат қилади. Жиззах шаҳрининг Учарик маҳалласида бўлганимизда бунинг исботига дуч келдик.

– Маҳалламизда 2022-2023 йилги куз қиш масумида 300 та аҳоли хонадонининг табиий газ таъминоти билан боғлиқ бошғрик муаммоси ҳал этилди, – деди “Учарик” МФЙ раиси Набибулла Азимов. – Қиш фаслидаги аномал совуқ кунларида анча қийинчиликка дуч келган эдик. Жиззах шаҳар ҳокимига бу



борада қилган мурожаатимиз эътиборсиз қолдирилмаган ҳолда “Худудгазтаъминоти” Жиззах шаҳар филиали билан ҳамкорликда ишлар олиб борилмоқда. Бу жараён деярли якунига етай деб қолган. Насиб бўлса, маҳалламиздаги табиий газга бўлган эҳтиёж бу йил қузатилмайди.

Худди шу каби мўтадил иссиқлик ёки ичимлик суви таъминоти Жиззах вилояти марказининг кўп қаватли уйлар мавжуд деярли ҳар бир маҳалласида қузатилади. Хусусан, Заргарлик маҳалласидаги замонавий қозонхона 30 дан зиёд кўп қаватли уй ва йирик ижтимоий соҳа объектлари учун хизмат қилишни бошлаши – бу энди чин маънода инсон қадрлари учун қаратилган бунёдкорлик намунасирид.

Замонавий қиёфа касб этди

Азиз МАШРАБОВ, “O‘zbekiston bunyodkori” мухбири.

Бойсунлик ёшу кекса бугун тумандаги Оби ва Мустақиллик маҳаллаларини боғловчи йўлдан уловда ё пиёда ўтаркан бир олам завқ туйишайтир.

Чунки 3 километрлик ушбу асосий автомобиль йўли реконструкция қилинган учун ҳам текис ва раван. Йўл бўйидаги сувлар оқиб турган ариқлар, яшил майсалару гуллар, замонавий қиёфа акс этган бинолар, хизмат кўрсатиш нуқталари, уй-жойлар томошасига маҳлиё бўлиб,

манзилга қандай етганини билмай қолади киши.

Тумандаги бу икки маҳаллани боғловчи йўл реконструкция қилинди, ариқлар тортилиб, мавжуд ичимлик суви тармоғи янгисига алмаштирилди. Айни шу кўчаниннг тантанали очилиш маросими эса

туман аҳли учун муносиб тўхфа бўлди. Маросимда Сурхондарё вилояти ҳокими Улўғбек Қосимов, шаҳар ва туманлар ҳокимлари, нуронийлар, ёшлар ҳамда кенг жамоатчилик вакиллари иштирок этишди.

Бирор юмуш билан отланган киши борки, шу йўллар сабаб зумда манзилига етди. Умид қиламизки, янги йўл кўп йиллар давомида халқимизга хизмат қилади. Барча туманлардаги марказий кўчалар мана шундай замонавий қиёфа акс этиши лозим. Шу мавзуга бағишланган семинарда вилоят раҳбари томонидан аниқ вазифалар белгилаб берилди.

Туғилган кунингиз муборак бўлсин!

Август ойининг шу кунларида таваллуд айёмларини нишонлаётган

Ўзбекистон Республикаси Қурилиш ва уй-жой коммунал хўжалиги вазирлиги Йиғма ахборот-таҳлил бўлими етакчи мутахассиси Нодир Ходжаев, Коррупцияга қарши курашиш бўлими бош мутахассиси Шерали Қўчқаров, Қурилиш ва уй-жой коммунал хўжалиги соҳасида назорат қилиш инспекцияси раҳбар қотибаси Нигора Шерматова, ҳайдовчи Азизжон Шодазинов, “Шаҳарсозлик хужжатлари экспертизаси” ДУК бош мутахассиси Жамшид Раджабов, етакчи мутахассиси Дилфуза Абдурахмонова,

Қурилишда техник меъёрлаш ва стандартлаштириш илмий-тадқиқот институти бўлим бошлиғи Шухрат Джуманазаров,

“Ташгипрогор” АЖ Ишлаб чиқариш бўлими етакчи иқтисодчиси Роня Баранова, 1-сонли архитектура-қурилиш сектори раҳбари Марк Бурлаков, Дизайнерлик сектори муҳандиси Мукамбар Шарипова,

Жиззах вилояти Қурилиш ва уй-жой коммунал хўжалиги соҳасида ҳудудий назорат қилиш инспекцияси Қурилиш-синов лабораторияси бўлими етакчи мутахассиси Хусниддин Ҳаққулов,

Навий вилояти, Ғазгон шаҳар қурилиш ва уй-жой коммунал хўжалиги бўлими бошлиғи Мухриддин Холиқулов,

Сирдарё вилояти, Сирдарё тумани Қурилиш ва уй-жой коммунал хўжалиги бошқармаси аҳоли пунктларининг шаҳарсозлик хужжатларини ишлаб чиқиш ва уни амалга ошириш бўйича архитектор Шадман Эшбаев,

Тошкент шаҳар Қурилиш ва уй-жой коммунал хўжалиги бошқармаси бош мутахассислари Тоҳир Ибрагимов ва Азиз Ақромов,

Наманган вилояти, Давлатобод туманидаги “Fayozbek Nigina” МЧЖ бош директори Зулхунор Полвонова,

Навий вилояти, Пастдарғом туманидаги “Пастдарғом коммуналчи” МЧЖ бош директори Шерзод Анонов,

Тошкент шаҳри, Шайхонтоҳур туманидаги “Коммунал кластер плус” МЧЖ бош директори Алибек Хўжақулов, Яккасарой туманидаги “Fayzli Uly” МЧЖ бош директори Владимир Андроповларни таваллуд куни билан чин дилдан муборакбод этамиз.

УЛАРГА СИҲАТ-САЛОМАТЛИК, УЗОҚУМР,
ОИЛАВИЙ ХОТИРЖАМЛИК,
МУСТАҲКАМ СОҒЛИҚ ТИЛАЙМИЗ!

ТАДБИРКОРЛАР ВА САРМОЯДОРЛАР ДИҚҚАТИГА!

“KO‘CHMAS MULK XIZMATLARINI KO‘RSATISH JAMIYATI” МЧЖ

ОЧИҚ ТАНЛОВ САВДОЛАРИГА ТАКЛИФ ЭТАДИ!

“Ko‘chmas mulk xizmatlarini ko‘rsatish jamiyati” МЧЖ томонидан ташкил этиладиган очик танлов савдоларига “Чилонзор буюм савдо комплекси” АЖнинг 2023 йил 30 мартдаги 40-сонли такрорий буюртномасига асосан, қурилиш режа-лаштирилаётган савдо шохобчаларининг ижарага олиш ҳуқуқи бўйича “O‘zbekiston bunyodkori” газетасининг 2023 йил 31 мартдаги 25 (678)-сони ҳамда “Тошкент оқшоми” газетасининг 2023 йил 6 апрелдаги 14 (47,117)-сонларидаги газеталарда бери-либ, танлов савдоси ўтказиш бўйича такрор-ий эълонларнинг савдо куни 2023 йил 14 август кунига белгиланганди. Ушбу кун са-насини ўзайтириб 2023 йил 18 август кунни соат 11.00 дан бошлаб ўтказилиши белги-ланди.

Очиқ танлов савдони ташкиллаштириш бўйича аввал эълонда кўрсатилган савдо шохобчаларининг такрорий савдо кунла-ри ва бошқа кўрсатилган маълумотлар ўз кучида қолганини маълум қиламиз. Асос: “Чилонзор буюм савдо комплекси” АЖ-нинг 2023 йил 14 августдаги 114-сонли хати.

Савдода қатнашиш учун талабгорлар савдо ўтказиладиган санадан бир иш куни аввал ёпиқ конвертда солинган таклифла-ри ва ариза билан биргаликда қуйдаги ҳужжатларни тақдим этишлари лозим:

- юридик шахслар – давлат рўйхатидан ўтказилгани тўғрисидаги гувоҳноманинг нусхаси;
- жисмоний шахслар – СТИР ва пас-портнинг нусхаси.

Талабгорлар ижарага олиш ҳуқуқи-

нинг 50 фоизидан кам бўлмаган миқдор-даги суммани закалат сифатида “Ko‘chmas mulk xizmatlarini ko‘rsatish jamiyati” МЧЖ-нинг қуйдаги ҳисоб рақамига савдода иштирок этиш учун ариза топширунгга ка-дар тўлашлари шарт: 2020 8000 5053 3172 3021 ХАТБ “DAVR BANK” Олмасор филиали МФО 0121 СТИР 308 112 732.

Таклифи маъқул топилган талабгорга савдо ўтказилган кундан бошлаб 20 банк кун ичида сотувчи билан ижара шартнома-си тузиш мажбурияти юклатилади.

Савдо ташкилотчиси жойлашган, сав-долар ўтказиладиган ва савдода иштирок этиш учун аризалар қабул қилинадиган манзил: Тошкент шаҳри, Мирзо Улўғбек ту-мани, Ҳамид Олимжон кўчаси, 13-“А” уй. Телефон: 71-237-23-91.

“KO‘CHMAS MULK XIZMATLARINI KO‘RSATISH JAMIYATI” МЧЖ

бошланғич баҳоси босқичма-босқич ошиб бориши тартибидан ўтказиладиган электрон-онлайн очик аукцион савдога таклиф этади!

Аукцион савдога “EAST IMPEX INVEST” МЧЖнинг тугатиш бошқарувчисининг 2023 йил 28 июлдаги 01/31-сонли буюртма-номасига асосан, Тошкент шаҳри, Мирзо Улўғбек тумани, Шукур Бурхонов номидаги МФЙ, Минг булоқ кўчаси ҳудудида жойлашган ер участкасининг умумий майдони – 255 квадрат метр, қурилиш ости майдони – 117 квадрат метр, фойдали майдони – 259,15 квад-рат метрдан иборат бўлган нотуяр бино-иншоот қўйилмоқда. Бошланғич баҳоси – 1759 876 000 сўм.

Аукцион савдо 2023 йил 7 сентябрь куни online-mulk.uz плат-формасида бўлиб ўтади.

Аризаларни рўйхатдан ўтказишнинг охириги мuddати: 2023 йил 6 сентябрь куни соат 18.00.

Юқоридаги кўчас мулк 2023 йил 7 сентябрь куни сотилмаган тақдирда, такрорий электрон-онлайн савдолари 1 маротаба 15

кун оралиғида такроран ўтказилади. Такрорий савдо учун ариза-ларни қабул қилишнинг охириги мuddати бир иш куни олдин соат 18.00 гача.

Савдо ғолибига савдо ўтказилган кундан бошлаб 10 (ўн) банк иш кун ичида сотувчи билан олди-сотди шартномаси тузиш юкла-тилади.

Талабгорлар юқоридаги мулкнинг 15 фоизидан кам бўлмаган миқдорда закалат пулини “Ko‘chmas mulk xizmatlarini ko‘rsatish jamiyati” МЧЖ ҳисоб рақамига электрон-онлайн аукцион савдода рўйхатдан ўтиб туланади. Аввал 2023 йил 4 август куни online-mulk.uz электрон-онлайн аукцион платформасида жойлаштирилган.

Савдо ташкилотчиси жойлашган манзил: Тошкент шаҳри, Мирзо Улўғбек тумани, Ҳамид Олимжон кўчаси, 13-“А” уй. Телефон: 71-237-23-91.



IQTIMOY-IQTISODIY GAZETA
**O‘ZBEKISTON
BUNYODKORI**
СТРОИТЕЛЬ УЗБЕКИСТАНА

ТАҲРИР ҲАЙЪАТИ:

Батир Закиров
(Тахрир хайъати раиси).
Шерзод Хидоятлов,
Давронжон Адиллов,
Жалол Арашов,
Козим Туляганов,
Юлдаш Мағрупов,
Жамшид Исмаилов,
Бобир Элмуродов,
Қудратбек Хошимбеков.

ТАҲРИРИЯТ:

Бош муҳаррир **Дилшод
Жалолов**

Бош муҳаррир
ўринбосари **Райҳона
Хўжаева**

Саҳифаловчи **Акмал
Махкамов**

Мусахҳиҳ **Марҳамат
Мусулмонқулова**

Газета «Ўзбекистон бунёдкори»
Наширёт уйи МЧЖ томонидан
нашрга тайёрланди.

«ЎЗБЕКИСТОН БУНЁДКОРИ»
НАШИРЁТ УЙИ МЧЖ
МУАССИСАЛАРИ:

Ўзбекистон Республикаси
Қурилиш ва уй-жой коммунал
хўжалиги вазирлиги,
«Ўзсанеоатқурилишматериаллари»
уюшмаси, «ЎзГАСҲЛИТИ» ДУК,
«ЎзшаҳарсозликЛИТИ» ДУК,
«Қишлоқ қурилиш инвеств» ИК МЧЖ,
«ЎзгеорангметЛИТИ» ДУК.

ТАҲРИРИЯТ МАНЗИЛИ:

100035, Тошкент шаҳри,
Навий кўчаси, 18-уй.
Телефонлар:
71-208-12-00 (қабулхона).
71-208-12-00 (таҳририят).
71-208-12-00 (бухгалтерия).
71-208-12-00 (реклама ва обуна
бўлими).
E-mail: info@uzbunyodkor.uz
**ҲУДУДЛАРДАГИ МУХБИРЛАРНИНГ
ТЕЛЕФОН РАҚАМЛАРИ:**
**Қорақалпоғистон
Республикаси:** 90-658-50-43.
Андижон вилояти: 91-479-55-11.
Бухоро вилояти: 99-704-66-69.
Жиззах вилояти: 99-525-30-05.
Қашқадарё вилояти: 90-287-50-29.
Навий вилояти: 99-731-17-40.
Наманган вилояти: 91-365-07-36.
Самарқанд вилояти: 95-560-30-45.
Сирдарё вилояти: 99-831-11-15.
Сурхондарё вилояти: 97-847-30-11.
Фарғона вилояти: 90-349-55-56.
Хоразм вилояти: 97-790-47-61.

Газета 2016 йил 25 июлда
Ўзбекистон Матбуот ва ахборот
агентлигида 0874-рақам билан
рўйхатга олинган.
Нашр индекси – 466.
Буюртма – Г-837.
1625 нусхада босилди.
Қозғоз бичими А-2.
Ҳажми – 2 табок, офсет усулида
босилган. Баҳоси келишилган
нархда. ISSN 2181-8762.
Тахририятга келган қўлёзмалар
тақриз қилинмайди ва муаллифга
қайтарилмайди.
Газета тахририят компьютер
марказида терилди ва саҳифаланди.
Газетаниннг полиграфик жиҳатдан
сифатли чоп этилишига
«Шарқ» наширёт-матбаа
акциядорлик компанияси масъул.

КОРХОНА МАНЗИЛИ:

Тошкент шаҳри,
«Буюк Турон» кўчаси, 41.

Навбатчи муҳаррир – Р. Хўжаева.

Навбатчи – А. Эгамбердиев.

ЎЗА якуни – 22.45.
Топшириди – 23.30.

1 2 3 4 5 6

Газетаниннг навбатдаги сони
2023 йил 22 август куни чиқади.